

## Исмнинг холга дахли борми?

15:41 / 24.04.2016 3800

Халқимиздаги бир анъанани биламизки, агар фарзанд хол билан туғилса ёки туғилгач, бир оз вақтдан сўнг хол ёки нор пайдо бўлса, фарзанднинг исмини ўзгартиришади. Асл исми унутилиб, Холида, Анора деб чақирилади. Савол шундай: исми ўзгартириш юздаги холни йўқотадими?

**ЖАВОБ:** Албатта бу – одамларнинг шахсий тушунчаси, шариат аҳкомлари ёки таълимотларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бир исм қўйилган фарзандга хол туша бошласа уни Холида деб исмлansa, хол йўқолиб кетиши тўғрисида ҳеч қандай ҳадис, таълимот, гап-сўз динимизда йўқ. Хол чиқиши ёки шунга ўхшаш бошқа бир ҳолатлар инсоннинг жисмидаги ўзгаришларга, хусусиятларга боғлиқ бўлади, буларнинг исмга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қандоқ исм қўйилса, ўша исм яхши бир ҳолатда давом этавериши мумкин. Юқоридагидай Анора, Нормурод деган исмларни одамлар ўзларича ўйлаб қўйишган, бунинг диний таълимотларга ҳеч қанақа алоқаси йўқ, бундай эътиқодларга бормаслик керак. Балки ўша бола туғилганида қўйилган исм яхши исломий бўлса мутлақо ўзгартирмай, кўнгилсиз ҳолатлар юз берганида тиббий муолажалар билан тузатиш имкони бўлса, шунинг ҳаракатини қилиш керак ва доимий равишда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан ўша ноқулай ҳолатни кетказишни сўраш керак. Номни ўзгартириш билан бир нарса бўлиб қолиши динимиз таълимотларида йўқ (Аллоҳ билувчидир).